ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI · FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ИШОНЧ

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси газетаси

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

СЕШАНБА, ПАЙШАНБА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

7 ноябрь, шанба 1998 йил №129(630)

**Ушбу сонда:**

2 — ТЎЙ, МАРОСИМ ВА МАЪРАКАЛАРНИ МЕЪЁРИДА ЎТКАЗИШ ҲАҚИДА ФАТВО

3 — TV ДАСТУРИ

4 — САВДОДАГИ ҒАВҒОЛАР

## ТОШКЕНТДА ЮНЕСКО ИЖРОИЯ КЕНГАШИ 155-СЕССИЯСИНИНГ ЯКУНИЙ ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ

**6 ноябр куни пойтахтдаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасининг Амир Темур залида ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши 155-сессиясининг якуний йиғилиши бўлиб ўтди.**

155-сессия 19 октябр куни Парижда очилган эди. Унинг асосий мавзуи «Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясининг 5О йиллиги, эсламоқ бурчи ва ҳушёрлик зарурияти - қулликдан инсон қадр-қимматининг тикланиши сари», деб белгиланган эди. Сессияда ЮНЕСКО Бош конференцияси томонидан қабул қилинган ЮНЕСКО фаолият дастурларининг бажарилишига оид ҳисобот маърузаси ва турли ташкилий масалалардан ташқари, дунёвий маданият равнақига бағишланган учта ҳужжат қабул қилиниши мўлжалланган эди. Биринчи ҳужжат БМТ учун мўлжалланган дунёвий маданият ҳақидаги жамланма маъруза, иккинчиси - «Дунёвий маданият йўлида» деб номланган соҳалараро лойиҳанинг баҳоланиши ҳақида эди ва улар Париждаги йиғилишда қабул қилинди.

Учинчи ҳужжат эса Ўзбекистон томонидан таклиф қилинган «Дунёвий маданият ва ЮНЕСКОнинг аъзо-мамлакатлардаги фаолияти» деб номланган қарор лойиҳаси бўлди.

Ўзбекистон ҳукуматининг таклифига биноан Ижроия Кенгаши қарорлари рўйхатига 9.6 банд этиб киритилган бу ҳужжат лойиҳаси 155-сессиянинг Тошкентда ўтадиган якуний йиғилишида қабул қилиниши мўлжалланган эди.

Сессиянинг якуний йиғилишини ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши раиси Пал Патаки очди. Раис сессия кун тартибига Ўзбекистон томонидан киритилган ҳужжатнинг аҳамияти ҳақида гапирар экан, унинг дунёвий маданият шаклланишида муҳим омиллардан бири бўлиб қолишини таъкидлади. Шунингдек, ҳужжат муҳокамасини Ўзбекистонда ўтказиш таклифи кўпчилик томонидан мамнуният билан қабул қилинганини қайд этди.

Сессияда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Шундан сўнг ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майорга сўз берилди. У ЮНЕСКО сессиясининг якуний йиғилишини Ўзбекистонда ўтказиш таклифини билдиргани учун Президент Ислом Каримовга анжуман қатнашчилари ва ташкилот номидан миннатдорлик билдирди. «Мен, - деб таъкидлади ўз сўзида Ф.Майор, - Ўзбекистон халқи бошидан кечираётган бугунги мураккаб ўтиш даврида фан ва маданият, маънавият равнақига қўшаётган улкан хизматларингиз учун Сизга миннатдорлик билдираман. Чунки Сиз маънавиятни тиклашдагина эмас, уни ёш авлодга сингдиришда ҳам катта хизмат қилмоқдасиз».

Ф.Майор ЮНЕСКО фаолияти ҳақида гапириб, унинг тинчликни сақлашда фан, таълим ва маданиятни асос қилиб олгани Ўзбекистон ҳукумати олиб бораётган сиёсат билан ҳамоҳанг эканига эътибор қаратди. Президент Ислом Каримовнинг «Биз келажакнинг пойдеворини қўймоқдамиз», деган сўзларини эслади ва бунга мисол қилиб Ўзбекистонда таълим, фан ва маънавият соҳасида эришилган ютуқларни келтирди. Ўзбекистон тажрибаси дунёвий маданият шаклланишида муҳим бўғинлардан бири бўлишини қайд этди.

ЮНЕСКО бош директори ташкилотнинг Абу Али ибн Сино номидаги олтин медалига сазовор бўлгани билан Ислом Каримовни қутлади ва олтин медални Ўзбекистон Президентига топширди.

Халқаро ҳамжамиятнинг энг обрўли ташкилотларидан бўлмиш ЮНЕСКО Низомининг биринчи бандида шундай деб ёзиб қўйилган: «Уруш ҳақидаги фикр одамларнинг онгида туғилади, бинобарин, инсоният тафаккурида тинчликни ёқлаш ғояларини илдиз оттирмоқ лозим».

ЮНЕСКОнинг Ватанимизда ўтказилган нуфузли халқаро анжумани ҳам шу асосий мақсад йўлидаги муҳим қадамлардан бири бўлиб қолиши шубҳасиз.

Зотан, иккинчи жаҳон уруши оловининг тафти ҳали босилмаган олис 1945 йилнинг 16 ноябрида тузилган ЮНЕСКО ташкилоти ўшандан буён она сайёрамизда тинчликни сақлаш йўлида самарали ишларни амалга ошириб келмоқда. Бу йўлда ЮНЕСКОнинг асосий қуроли таълим, фан ва маданият соҳасида инсоният ақл- заковати эришган ютуқларни дунё бўйлаб ёйишдан иборат бўлди. Қонли курашларга ғарқ кечган XX аср охирига келиб инсоният бахтли тақдир фақат ўз қўлида эканлигини англаб етди.

Эндиги вазифа эса инсониятнинг тинчликни сақлаш ва халқлар ўртасидаги ишончни мустаҳкамлаш йўлидаги хатти- ҳаракатларини мувофиқлаштириш ва мустаҳкамлашдан иборат. Сессия иштирокчиларининг чиқишларида ҳам шунга интилиш ва ишонч бўртиб кўринди.

Сессияда сўзга чиққан Уругвай вакили Туронзамин ўрта асрларда ҳам Шарқ ва Ғарбни боғловчи кўприк бўлиб келганини таъкидлади. Бугунги Ўзбекистон олиб бораётган ишлар эса бу юрт яна қадимги шаън-шавкатига эришиш йўлидан бораётганини кўрсатмоқда, деди. У дунёвий маданиятнинг шаклланишида Ўзбекистон каби давлатлар тажрибаси айниқса муҳим ўрин тутиши, бинобарин, улардан ўрганиш фақат фойда келтиришини айтди.

Франция вакили эса фарангларнинг кўпчилигида қизиқ одат борлигини, жумладан, ўзи ҳам доим олис ва ғаройиб мамлакатларни кўриш орзуси билан яшашини эътироф этди. Ўзбекистон ҳам ана шулар жумласидандир. Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларидаги каби бетакрор обидаларни барпо этган, бой маънавий меросга эга юрт, ўз тарихи билан ҳар қанча фахр этса ҳақлидир, деб таъкидлади нотиқ.

Табиийки, таълим, фан ва маданият ташкилоти бўлган ЮНЕСКО сессияси иштирокчиларининг аксарияти олимлардир. Улар Президент Ислом Каримов китобларини ўқиб, уни шу маҳалгача фақат назариётчи сифатида билганларини, энди Ўзбекистон билан танишиб, бу ерда ўтказилаётган ислоҳотлар ва уларнинг илк натижаларидан бохабар бўлиб, Ўзбекистон Президенти фақат назариётчи эмас, балки изчил амалиётчи ҳам эканлигини эътироф қилдилар.

Сессия иштирокчиларидан бири «Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовни келгуси минг йилликнинг кишисидир, дея ишонч билан таъкидлайман», деди.

Барча маърузаларда Ўзбекистон қадимий маданият бешикларидан биригина эмас, айни чоғда халқларнинг тинч-тотув яшаши, маънавий меросга муносабат нуқтаи назаридан бугунги замон давлатларининг кўпига ўрнак бўларли жамият ҳам экани қайд этилди.

Сессиянинг якуний йиғилишида иштирокчи давлатлар вакиллари Ўзбекистон томонидан таклиф қилинган «Дунёвий маданият ва ЮНЕСКОнинг аъзо-мамлакатлардаги фаолияти» мавзуидаги ҳужжат юзасидан ўз фикрларини билдирди. Йиғилиш иштирокчилари томонидан қабул қилинган ва келажакда Тошкент декларацияси деб ном олишга ҳақли суратда номзод бўлган мазкур ҳужжат «Ўзбекистоннинг бой тарихий меросидан ва унинг ўз маънавий қадриятларини демократия ва тинчлик руҳида сақлаб қолиш ва ривожлантириш истагидан илҳомланиб» деб бошланган. Тошкент Декларацияси, агар шундай дейиш жоиз бўлса, инсониятнинг кейинги минг йилликка қўядиган қадами дунёвий маданиятга асосланган, уруш, зўравонлик ва ижтимоий тенгсизлик каби иллатлардан холи бўлишига ишонч ва умид руҳи билан суғорилган.

ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши 155-сессиясининг якуний йиғилиши шу куни ниҳоясига етди.

**Мусулмон НАМОЗ,**
**/ЎзА/**

# ИСЛОМ КАРИМОВГА ЮНЕСКОНИНГ ОЛТИН МЕДАЛИ ТОПШИРИЛДИ

ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши 155-сессиясининг Тошкентда бўлиб ўтган якуний йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга ташкилотнинг Абу Али ибн Сино номидаги олтин медали топширилди. ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майор медални тақдим этар экан, давлатимиз раҳбари халқаро доирада инсон идеалларини улуғлаш, маданий қадриятларни асраб-авайлаш, илмий меросни ўрганиш борасидаги хизматлари учун бу мукофотга сазовор бўлганини таъкидлади.

- Президент Ислом Каримов раҳбарлигида Ўзбекистон ўзининг шонли ўтмишини ҳам очмоқда,- деди у.- Порлоқ келажакка юз тутган мамлакатда демократия тамойиллари мустаҳкамланмоқда, миллий қадриятларга эса қайта жон бағишланмоқда.

Давлатимиз раҳбари шундай нуфузли ташкилотнинг мукофотига муносиб деб топилганидан мамнуният изҳор этиб, улуғ аллома бўлган ватандошимиз Абу Али ибн Сино номи билан аталган мазкур халқаро мукофот ўзи учун катта шараф эканини таъкидлади.

- Бу олий мукофот,- деди Ислом Каримов,- энг аввало кўп миллатли халқимизнинг умумбашарий цивилизация тараққиётига қўшган ҳиссаси ва хизматининг тан олиниши, тарихий, маданий, маънавий меросини асраб - авайлаш, мамлакатимизда жамиятни маънавий ва аҳлоқий жиҳатдан юксалтириш, соғлом ва комил авлодни тарбиялаб вояга етказиш, қисқача қилиб айтганда, халқимизни маърифат йўлига бошлаш борасидаги саъй-ҳаракатларимиз, гуманизм ғояларига ҳурматимиз, эътиқодимизнинг муносиб баҳосидир.

Мамлакатимиз Президентининг ЮНЕСКО олтин медалига сазовор бўлиши, ҳақиқатан ҳам, халқаро ҳамжамиятнинг Ўзбекистон ижтимоий ва маданий ҳаётида кечаётган улкан ўзгаришларни эътироф этишидан далолатдир. Зеро, мустақилликка эришганига атиги етти йил тўлган мамлакатнинг иқтисодиёт, сиёсат ва бошқа муҳим соҳалар билан бирга миллий қадриятларга ҳам катта эътибор қаратаётгани, шубҳасиз, таҳсинга лойиқдир.

/ЎзА/



## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ЮНЕСКО медалини топшириш маросимидаги нутқи

Муҳтарам Бош директор Федерико Майор жаноблари!

Муҳтарам раис!

Муҳтарам Ижроия Кенгаши аъзолари!

Хонимлар ва жаноблар!

Аввало мени ЮНЕСКОнинг юксак мукофоти - халқаро Абу Али ибн Сино олтин медали билан тақдирлагани учун ЮНЕСКОга чексиз миннатдорлик изҳор этишга рухсат бергайсиз. Ушбу медалнинг орадан минг йиллар ўтса ҳам Шарқу Ғарбнинг барча маърифатли кишилари ҳамон ҳурмат-эҳтиром билан тилга оладиган буюк ватандошим номи билан аталишининг ўзи мен учун катта маъно касб этади. Фан ва тафаккурнинг кўп соҳаларида башариятга бебаҳо мерос қолдирган буюк қомусчи олим номи билан аталувчи медаль соҳиби бўлганим билан мен беҳад фахрланаман.

Абу Али ибн Сино орадан ўн аср ўтса ҳам ноёб қиммати ва илмий аҳамиятини йўқотмаган «Тиб қонунлари» асари билан ўзига ўлмас ҳайкал қўйиб кетди.

Федерико Майор жаноблари!

Мазкур медални Сизнинг, миллион-миллион кишилар онгида интеллектуал тафаккур ва инсоният ўз тарихи мобайнида яратган маънавий мерос, юксак инсонпарварлик ғоялари, тинчлик ва адолат рамзи бўлиб шаклланган ЮНЕСКО Бош директорининг қўлидан олаётганим менга, айниқса, катта қувонч бағишлайди.

Муҳтарам Ижроия Кенгаши аъзолари!

Қадрли дўстлар!

Бу олий мукофот энг аввало кўп миллатли халқимизнинг умумбашарий цивилизация тараққиётига қўшган ҳиссаси ва хизматининг тан олиниши, тарихий, маданий, маънавий меросни асраб-авайлаш, мамлакатимизда жамиятни маънавий ва аҳлоқий жиҳатдан юксалтириш, соғлом ва комил авлодни тарбиялаб вояга етказиш, қисқача қилиб айтганда, халқимизни маърифат йўлига бошлаш борасидаги саъй ҳаракатларимиз, гуманизм ғояларига ҳурматимиз, эътиқодимизнинг муносиб баҳосидир.

Ушбу юксак ғоялар тантанаси учун мен бундан кейин ҳам бор куч-ғайратимни аямайман. Юксак мукофот учун барчангизга яна бир бор ўз миннатдорлигимни билдираман.

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши сессиясининг 155-якунловчи мажлисида сўзлаган нутқи

Ҳурматли Ижроия Кенгаши раиси!

Муҳтарам Бош директор - Федерико Майор жаноблари!

Хонимлар ва жаноблар!

ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши 155-сессиясининг якунловчи мажлисини Ўзбекистон пойтахтида ўтказиш ҳақидаги таклифимни қабул қилганингиз учун сизларга ҳурмат ва миннатдорлик изҳор этиш менга катта мамнуният бағишлайди.

Биз учун Тошкентда жаҳон фани ва маданиятининг атоқли намояндаларини, таниқли жамоат ва сиёсат арбобларини қутлаш катта қувонч ва шарафдир.

ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши сессияси якуний мажлисининг Ўзбекистон мазкур нуфузли халқаро ташкилотга тўла ҳуқуқли аъзо бўлганининг беш йиллиги санаси билан бир вақтга тўғри келгани диққатга сазовордир.

Ижроия Кенгаши мазкур сессиясининг «Жаҳон маданияти ва ЮНЕСКОнинг аъзо давлатлардаги фаолияти» мавзуида ўтказилаётганида ҳам муҳим рамзий маъно бор.

Шахсан Бош директор Федерико Майор жаноблари олға сурган жаҳон маданияти ғояси ЮНЕСКОнинг кўплаб аъзо мамлакатлардаги фаолиятида тўла равишда рўёбга чиқди. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан янги минг йилликнинг биринчи йили - 2000 йилнинг «Халқаро жаҳон маданияти йили» деб эълон қилингани катта аҳамият касб этади.

Менинг назаримда, жаҳон маданияти ғояси XX1 асрдаги умуминсоний тараққиёт фалсафасининг манбаи бўлиб хизмат қилади. Бу ғоя ўтган асрларда ҳам кўп қиррали ва бетакрор инсоният цивилизациясини ривожининг ўзаги, юксак маънавият ва инсонпарварлик ғояларининг асоси бўлиб хизмат қилган.

Бу ғоя бугун ҳам дунёда тинчлик ва барқарорликни сақлаб қолиш йўлида халқларни бирдамлик ва ҳамкорликка даъват этиши лозим. Мен умуминсоний қадриятлар ривожини ҳар бир халқ маданияти ва ўзига хослигининг ўзаро уйғунлашувида деб биламан.

Маданиятларнинг шу тарздаги уйғунлашувигина умуминсоний маданият ва бутун цивилизациянинг гўзаллиги ва қадр-қимматини яратади. Зеро, умумий цивилизация турли халқларнинг маданиятларидан шаклланади.

Миллий ва дунё маданиятларининг энг яхши намуналарини кенг тарғиб қилиш ва оммалаштириш ўсиб келаётган авлодни, замонавий ёшларимизни маънавий тарбиялашнинг асоси бўлмоғи лозим.

Мен маданият ва маърифат дунёни жаҳолат ва ваҳшийликдан, диний ва миллий экстремизмдан, этник қарама-қаршилик, минтақавий можаро ва урушлардан сақлай олишига ишонаман.

Бутун дунёга машҳур рус ёзувчиси Достоевскийнинг «Дунёни гўзаллик қутқаради» деган машҳур иборасини бироз ўзгартириб, «Кириб келаётган XX1 асрда дунёни маданият ва маънавият қутқаради» деб айтган бўлардим.

ЮНЕСКО шафелиги остида дунёдаги кўплаб мамлакат ва халқларнинг маданият ва инсонпарварлик ғояларини рўёбга чиқаришдаги кенг иштироки одамларни бирлаштиришга, уларни жипслаштиришга, дунёни янада барқарор ва хавфсиз қилишга имкон беради. Ушбу мавзу тинчлик ва ҳамкорликнинг мустаҳкамланиши йўлида бизнинг асосий қуролимиз бўлмоғи лозим.

Бу айрим минтақаларда миллатлараро ва диний қарама-қаршилик кучайиб бораётган, кўплаб хавф-хатарлар улкан миқёс касб этаётган ҳозирги даврда бағоят долзарбдир. Бизнинг бу мажлисимиз кўплаб минтақаларда диний, элатлараро ва миллатлараро муросасизлик асосидаги янгидан-янги қуролли можаролар давом этаётган ва авж олаётган бир шароитда ўтмоқда. Афғонистон ва Яқин Шарқда, Болқон ва Африкада беғуноҳ одамлар ҳалок бўлмоқда. Ҳақли равишда башарият маданий меросига мансуб бўлган тарихий ёдгорликлар вайрон этилмоқда.

Буни айниқса биз, тоталитар тузум кишанларидан озод бўлган, демократик ўзгаришлар йўлига ўтган Марказий Осиё мамлакатлари чуқур ҳис этамиз.

Биз ядро қуролисиз яшаш тамойилларини эълон қилар эканмиз, айрим қўшни мамлакатларнинг ядро қуролига эга бўлишга интилаётгани, бутун маърифатпарвар инсониятнинг эътирозига қарамасдан оммавий қирғин қуролларини, жумладан, ядро қуролларини синашни давом эттираётгани бизда хавотир уйғотмаслиги мумкин эмас.

Ўзбекистон аҳолисида айниқса амалда халқаро террорчилик ва диний экстремизм полигонига, дунёвий наркобизнес марказига айланиб қолган Афғонистонда рўй бераётган воқеалар қаттиқ ташвиш ва хавотир уйғотмоқда.

(Давоми 2-бетда)

*«Экосан» ва касаба уюшмалари*

### ИНСОН САЛОМАТЛИГИ ОМИЛИ

Инсон саломатлиги, унинг кундалик ҳаётда ўзгариб турувчи ҳис-туйғулари кўп жиҳатдан атроф-муҳитнинг таъсирига бевосита боғлиқ. Зеро, тозалик саломатликнинг илк калити эканлигини бугунги илму-фан ҳам исботлаётир. Мамлакатимизда табиат мусаффолиги, экологик муҳофаза йўналишида иш олиб бораётган «Экосан» жамғармаси ўз навбатида инсон саломатлиги учун курашаётган жамоат ташкилотларидан ҳисобланади. Республикада саломатлик ва экология кунларини ўтказиш бўйича тузилган ташкилий қўмита иштирокида бўлиб ўтган мажлисда айнан юқоридаги масалалар хусусида гап борди, бу борада жамоат ташкилотлари, хусусан фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш идоралари, касаба уюшма ташкилотлари ва бошқалар фаол бўлиши лозимлиги таъкидланди.

Мажлисда «Интермед» халқ табобат марказининг «Дезинтех» шўъба корхонаси вакиллари ўзлари яратган «Полисепт» профилактик моддасини тақдимотга қўйдилар.

- Маълумки, одатда корхона ташкилотларни дезинфекцион тозаликдан ўтказишда хлоромин сингари ўткир ҳидли моддадан фойдаланилади. Бизнинг «Дезинтех» тақдим этаётган полисепт эса на ўткир ҳидли, на ранг тусга эга бўлиб, у кишида аллергик ҳолатларни келтириб чиқармайди,-деди корхона раҳбари Е.Живая.

Қолаверса, бу моддадан фойдаланиш корхона-ташкилотлар учун анча арзонга тушиши таъкидланди.

Шунингдек, мажлисда пойтахтимизда ишлаб турган 15 нафар боғча, интернат, санаторий ва тиббий диспансерларга умумий баҳоси бир миллион сўмлик қийматга эга бўлган «Эсперо-6» биоэлектроактиватор совға қилинди. Соатига 60 литр сувни экологик жиҳатдан тозалаб, зарарсизлантирувчи «Эсперо-6» мосламаси болажонлар учун ҳақиқий тухфа бўлиши турган гап.

- Янги асрга қадам қўяётган эканмиз, биринчи ўринда одамларимиздаги атроф-муҳитга бўлган, табиатга ва инсонларга бўлган муносабатни тараққий эттиришимиз, бинобарин инсон табиатидаги тафаккурни янги босқичга чиқаришимиз муҳим вазифа бўлиб қолаётир,-дея таъкидлашди мажлис иштирокчилари.

**Н. АЛИМОВ.**

*«Ишонч» бонг уради*

## СЕЗЯПСИЗМИ, ЕР НАФАС ОЛАЯПТИ!

### ёхуд қишлоқ хўжалик тармоғида кадрларга муносабат масаласи

«Оқтом» жамоа хўжалиги ўзининг иқтисодий кўрсаткичлари билан бир вақтлар Янгиқўрғон туманида етакчилардан ҳисобланарди. Айниқса, у «Нанай» жамоа хўжалигидан ажраб чиқиб, асаларичилик соҳасига ихтисослашган илк йилларда аҳвол ҳавас қиларлик даражада бўлган. Хусусан, Эргашбой Боймирзаев раислик қилган кезларда хўжаликни ҳақиқий «ер мутахассиси» бошқараётгани сезилди. Жами 2300 та асалари уясининг ҳар биридан 29 килограммдан ёки 60 тоннalab маҳсулот олинарди. Шунинг 23 тоннаси давлатга сотилса, қолган қисми пудратчиларга қолдирилган, ортиғи хўжалик аъзоларининг иш ҳақларига тарқатилган. Шу билан бир қаторда боғдорчилик, ғаллачилик яхши ривожланган. 1982-84 йилларда хўжаликда 900 тоннадан мева етиштирилган. Иқтисодий самаралар ижтимоий инфраструктуранинг тараққий этишига ҳам омил бўлганди. Қишлоқлар ободонлашган, кўчаларга асфальт ётқизилганди.

Хўжаликни бугунги кунда зимдан кузатсангиз раҳмингиз келади. Бир замонларда ички ва ташқи деворларига гул солинган маданият клуби нураб ётибди. Унинг эшигини эҳтиёткорлик билан очмасангиз кесакисидан чиқиб кетиш хавфи бор. Маданият клуби жамоа хўжалиги идораси билан ёнма-ён жойлашган, уни ҳеч ким оёқости қилолмайди, деб айтишга асос йўқ. Чунки клубдаги хоналарнинг фанерлари, шифтдаги ёғочлар деярли суғуриб ташланган. Аввалари сергавжум, қаҳқаҳаларга тўлиб-тошган чойхона эса кимсасизликдан мудроқ босиб ётибди.

- Жамоа хўжалигининг бугунги иқтисодий кўрсаткичлари билан таништирсангиз,- деб мурожаат қилдик «Оқтом» хўжалиги раиси Олимжон Худойбердиевга.

- 560 тонна мева, 280 тонна ғалла тайёрладик. 15 гектар майдонда картошкачилик билан шуғулландик.

- Қанча ҳосил олинди?

Раис узоқ сукутга толди. Кейин бу рақамни ҳозирча айта олмаслигини, бир неча кундан сўнг хабар олсак билиб қўйишини айтди. Асаларичиликка ихтисослашган хўжаликнинг мўлжалдаги натижалари қандайлигини сўраган эдик, «1 тонна атрофида асал олсак керак» деган мужмал жавоб қайтарилди. Тармоқнинг бу даража пастга қараб йўналиш олганлигининг сабаби, раиснинг фикрича, шакар йўқлигида эмиш. Шакарнинг тақчиллигига сабаб эса маблағ йўқлигидан экан! Хўш, тайинли иш-фаолияти, мақсадниятлари ва ниҳоят меҳнат ресурсларига эса бўлган хўжаликда нима учун маблағ йўқ? Дарвоқе, бунинг сабаби бор. Чунончи, жамоа хўжалиги йилни 15 миллион сўмлик қарз билан якунлади. Шундай экан, қарзга ботган хўжаликка шакарни ҳам мулоҳаза қилиб беришади-да! Ким тўлов қобилиятига эга бўлмаган хўжаликка шакар сотарди?

«Оқтом» жамоа хўжалиги атрофида йиғилиб қолган муаммоларнинг бош омили туман ҳокимлигининг мутахассис кадрларни жой-жойига қўйишда жиддий масъулият сезмаётганлигидадир. Эътибор берилса, О.Худойбердиев раислик лавозимига келгунга қадар шаҳар молия тизимида ишлаган, қолаверса у киши қарийб 20 йилдан буён қишлоқ хўжалигидан йироқ соҳа билан шуғулланган. Маҳаллий шароитни, ишлаб чиқаришни, тоғликларнинг хусусиятлари ва уларнинг руҳиятини дилдан ҳис қилишга улгурмаган шахс дабдурустдан жамоа хўжалигини бошқаришга чоғланган. Оқибатда эса... Демак, ер нафас олишини ҳис қилган кишигина хўжаликни моҳирона бошқара олади.

**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

